

## АЙРИМ РИВОЖЛАНГАН ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР ЖИНОЯТ-ПРОЦЕССУАЛ ҚОНУНЧИЛИГИДА ТАФТИШ ТАЙИНЛАШ ВА УНИ АМАЛГА ОШИРИШГА ОИД ҚИЁСИЙ-ҲУҚУҚИЙ ТАҲЛИЛ

Рахмонов Жамшид Шарофитддинович

Тошкент давлат Юридик университети магистратура талабаси

[Jamshid705@icloud.com](mailto:Jamshid705@icloud.com)

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7223324>

### АННОТАЦИЯ:

Мақолада иноят ишлари юритувида тафтиш тайинлаш асослари, жиноят процессида махсус иқтисодий билимлардан фойдаланишнинг самарадорлигини ошириш ва такомиллаштириш ва хорижий мамлакатлар жиноят-процессуал қонунчилигида тафтиш тайинлаш масалалари, тафтишни амалга оширишга оид қиёсий-ҳуқуқий таҳлил ўз аксини топган. Калит сўзлар: иқтисодий билим, тафтиш, далил, прокурор, ички ишлар органлари, терговчи.

В статье освещены основы назначения инспекторов в уголовном судопроизводстве, вопросы повышения и повышения эффективности использования специальных экономических знаний в уголовном судопроизводстве и назначения инспекторов в уголовно-процессуальном законодательстве зарубежных стран, проведен сравнительно-правовой анализ. проверок.

**Ключевые слова:** экономическое знание, проверка, доказательства, прокурор, правоприменение, следователь.

The article covers the basics of the appointment of inspectors in criminal proceedings, the issues of increasing and improving the effectiveness of the use of specialized economic knowledge in criminal proceedings and the appointment of inspectors in the criminal procedure legislation of foreign countries, a comparative legal analysis of inspections.

**Keywords:** economic knowledge, inspection, evidence, prosecutor, law enforcement, investigator.

Жиноят ишлари юритувида иқтисодий билимлардан фойдаланиш, жиноий йўл билан топилган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш, аудиторлик текшируви ўтказиш, суд-иқтисодий экспертизаларни тайинлаш ва уларнинг натижаларини баҳолашни такомиллаштириш, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли кафолатлашга қаратилган қонун ҳужжатлари ва уларни қўллаш амалиёти билан боғлиқ муаммоларнинг илмий ечимини топиш долзарб ҳисобланади. Шунингдек, жиноятларни тергов қилиш ёки

ишни судда кўриш жараёнида тафтиш тайинлаш ва уни ўтказиш тартибини такомиллаштириш истиқболларини тадқиқ қилиш ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Мустақиллик йилларида республикада иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш, хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва унинг устувор мавқеини янада кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини рағбатлантиришга қаратилган кенг қамровли институционал ва таркибий ислохотлар амалга оширилди. Бугунги кунда тадбиркорлик тузилмаларининг фаолиятига ноқонуний аралашувларнинг олдини олиш ва иқтисодий жиноятларга қарши кураш механизмларини такомиллаштириш, “хуфиёна иқтисодиёт”га барҳам беришга қаратилган таъсирчан чораларни жорий этиш бўйича тизимли ишларни кучайтириш талаб этилмоқда.

Бундан ташқари, миллий иқтисодиётни ислоҳ қилиш борасида солиқ ва молия сиёсатини либераллаштириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва хусусий мулк дахлсизлигини кафолатлаш<sup>1</sup>, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлашни ташкил этиш ҳамда ҳудудларни жадал ривожлантиришни таъминлаш бўйича таъсирчан чоралар кўриш масаласи бугунги кунда давлат сиёсати жаражасига кўтарилган

Иқтисодий жиноятларни аниқлашнинг асосий воситаси суд бухгалтерияси ва ахборот технологиялари соҳасида мутахассислар эканлиги АҚШда ҳам эътироф этилган<sup>2</sup>. Иқтисодий жиноятчиликка қарши курашнинг усул ва воситаларини такомиллаштиришнинг объектив заруриятга айланганлигини Федерал қидирув бюроси АҚШдаги иқтисодий жиноятчилик ҳажмини 2003 йилда 300 млрд. АҚШ доллари миқдорида қайд этганидан ҳам билсак бўлади. Volgna J.G. ва Linqvist R.J.(1995) суд бухгалтерияси- молиявий тажриба ва терговнинг ақлий фаолиятини, далилларнинг умумий қоидаларига мувофиқ ҳал қилинмаган масалада қўллашдан иборат деб таъриф берган. Умуман, хорижда ҳам, суд-тергов соҳасида фаолият кўрсатувчи бухгалтер ва тафтишчилар иқтисодий билимларга эга бўлган бошқа мутахассислардан бир қатор жиҳатлари жумладан, жиноятчининг тактикаси ва жиноятни яшириш учун қўллаган усулларини билиши ва уларни фож қилиш учун ностандарт тарзда ёндошиши билан фарқ қилиши мумкинлиги тан олинган. АҚШда иқтисодий жиноятларни очиш учун, жиноятчиликка қарши курашувчи давлат идоралари томонидан суд

<sup>1</sup> 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, 28.01.2022 йилдаги ПФ-60-сон. <https://lex.uz/docs/5841063>

<sup>2</sup> Computer Information systems in financial crime investigations. Petter Gottschalk & Hans Solli Saether. Journal of Computer Information Systems 50:3 41-49

бухгалтерияси соҳасида мутахассисларни вақтинчалик ёллаш амалиёти кенг тарқалган<sup>3</sup>. Мазкур давлатда суд бухгалтерияси соҳасидаги мутахассисларга талаб жуда юқори бўлиб, улар бизнес, солиқ, бошқарув соҳасида амалий тажрибага эга бўлиши билан бирга, йирик компанияларда ички бошқарув тизими ҳақида тушунчага эга бўлиши, шунингдек шахс айнан қайси усулда жиноят изларини яширишини тушуниш учун психология соҳасида ҳам билимларга эга бўлиши зарур. Тафтишчиларни ёллашнинг Америка тажрибаси деб номланган шаклида, прокуратура ёки тергов идоралари тафтишни ўтказувчи компания билан аниқланадиган зарар ёки ундириладиган жариманинг маълум миқдорини, компания ҳисобига ўтказиш ҳақида олдиндан келишув тузади. Мазкур тажриба АҚШ Адлия вазирлиги томонидан йирик корхоналар масалан “SIEMENS” компаниясига нисбатан текширув давомида қўлланилган. Ушбу ҳолатда давлат идораларининг манфаати терговни тез ва тўлиқ тугатишдан иборат бўлса, тафтиш ўтказувчи компаниялари мумкин қадар кўпроқ миқдорда жарима ундириши мақсадида, қонунбузилиши ҳолатларини максимал даражада аниқлашга ҳаракат қилади. Бироқ, бунда тафтиш ўтказувчи компаниянинг холислиги яъни тафтиш ўтказилаётган корхона билан тил бириктирмаслигига ҳеч ким кафолат бермайди. Германиялик олим Стефан Хейснер томонидан тафтишнинг қуйидаги умумий қоидалари ишлаб чиқилган: Ахборот хавфсизлигини таъминлаш, тафтиш жараёнида аниқланган ҳолатлар ҳақида маълумотлардан учинчи шахсларнинг хабардор бўлишига йўл қўймаслик;

1. Ходимларни ҳимоя қилиш<sup>4</sup>(тергов муносабати билан уларнинг барча гумон остида бўлиши, бир-бирларига нисбатан кўрсатма беришга мажбур бўлишлари, ишларини йўқотишлари мумкинлиги назарда тутилмоқда). Ишга тааллуқли барча маълумотларнинг йўқ қилинишини олдини олиш чораларини кўриш; Шунингдек, мазкур олим томонидан ҳужжатларнинг қалбакилигини ўз вақтида аниқлаш учун тафтиш давомида криминалистларнинг қатнашиши тавсия қилинган. Бундан ташқари, Стефан Хейснер тафтиш давомида, ўчирилган электрон маълумотларни тиклаш, мавжудларини тартибга келтириш, ҳужжатларни солиштириш, жиноят содир қилиш қонуниятларини ўрганиш мақсадида яратилган махсус компьютер дастурларидан фойдаланиш зарурлигини

<sup>3</sup> An Empirical Investigation of the relevant skills of forensic accountants. James DiGabriele. Journal of education for business 83:6. 331-338

<sup>4</sup> Managing business integrity. Prevent, detect and investigate white-collar crime and corruption. Stefan Heissner. Springer Gabler 2013.p.6

қайд қилган<sup>5</sup>. Хорижий мамлакатларда тафтиш турлича номлансада бироқ назорат қилувчи идоралар томонидан(ҳаттоки нодавлат ташкилотлар томонидан ваколатли органлар топшириғига асосан ўтказилган), текширув объектининг ташаббусига асосланмаган ва у томонидан ҳақ тўланмайдиган текширув эканлиги умум эътироф этилган. Умуман олганда биздаги тафтиш ва ҳужжатли тафтиш атамалари ўрнига англо-саксон ҳуқуқ тизимида “inspection-тафтиш, “Documentary check”-ҳужжатли тафтиш, “verification”-назорат, текширув атамалари ишлатилади. “Revenue inspection” атамаси бож ва солиқ билан боғлиқ текширувларни англатади. 1990 йиллардан бошлаб, дунёнинг кўпгина давлатларида тадбиркорлик фаолиятига тўсиқларни камайтириш сиёсати натижаси ўлароқ, тафтиш ўтказиш тизимини ислоҳ қилишга қаратилган ҳаракатлар бошланди. Шарқий Европа ва Собиқ Иттифиқ таркибига кирган давлатлар учун бу тузум ўзгариши натижасида заруратга айланган бўлса, Мексикада 1994 йилда, Нидерландияда 2001-2002 йилларда бошланган ислохотлар бу соҳада бошқа давлатларга нисбатан илғор тажрибаларни қўллаш имконини кўрсатди. Европа Иттифоқига кирувчи давлатлар орасида Буюк Британияда 2005 йилда Қиролича Ғазначилиги томонидан амалга киритилган “The Hampton Review” деб номланган тафтишни тартибга солишга қаратилган ҳужжатни алоҳида таъкидлаш мумкин. Мазкур ҳужжат Филип Хэмптоннинг “Маъмурий юкни камайтириш, самарали тафтиш ва ҳуқуқни қўллаш” номли ҳисоботида асослантилган бўлиб, ҳисоботнинг 3-бандига кўра Буюк Британияда ҳар йили 3 млн. атрофида тафтиш ўтказилади. 2 нафар ишчиси бўлган корхонада ҳар бир ходим томонидан ҳар ойда 6 иш соати назорат органлари ва қоғозбозлик учун сарфланади, 50 нафар ишчиси бўлган корхонада эса бу кўрсаткич 2 иш соатини ташкил қилади. Яъни маъмурий юк асосан кичик бизнес субъектлари зиммасига тушади. Ҳисоботда зарурий текширувларни ўтказиш ўрнига кераксиз текширувларни ўтказиш ҳолатлари кескин танқид қилинган<sup>6</sup>. Нидерландия ва Францияда солиқ хизматининг оптимизация қилиниши, яъни барча корхоналарнинг ёппасига текшириши амалиётидан воз кечиб, қонун бузилиши эҳтимоли кўп бўлган корхоналарнинг текширилиши йўлга қўйилганлиги натижасида солиқ хизмати томондан ҳар йили бизнеснинг фақат 3-5 % текширилади. Европа давлатларида тафтиш ўтказиш тартиби ва текширув предметини

<sup>5</sup> Managing business integrity. Prevent, detect and investigate white-collar crime and corruption. Stefan Heissner. Springer Gabler 2013.p.8

<sup>6</sup> “The Hampton Review” Final report. HM Treasury. March 2005

тадбиркорлик субъектига олдиндан, аниқ ва равон тарзда етказишга алоҳида эътибор қаратилади. Сабаби қонунлар асосан уни қўлловчилар тилида баён этилганлиги сабабли ҳуқуқшунос бўлмаган шахсларнинг баъзи талабларни тушуна олмаслиги мумкинлиги назарда тутилади. Бунга мисол тариқасида Буюк Британиянинг “Хавфсиз овқат, бизнесни такомиллаштириш” қўлланмасидан Лондоннинг “China town” қисмидаги хитой ресторанларида фойдаланилиши мисол тариқасида келтирилади. Аниқланишича, озиқ-овқат хавфсизлигини назорат қилиш ходимлари мазкур ресторанларни хар сафар текширганларида бир хилдаги қонун бузилишлари такрорланишини кузатишган. Чуқурроқ текшириш натижасида ресторан ходимлари қўлланмадаги талабларни тушунмаганликлари аниқланиб, мазкур қўлланма Хитойнинг бир қанча тилларига таржима қилиниб, ходимларга тарқатилгандан сўнг қонун бузилиши ҳолатларига барҳам берилган.

Дания ҳукуматининг 2009 йилдаги “Бизнесни тартибга солишни дебюрократизация режаси хам текширув ва тартибга солиш юзасидан талабларни аниқ ва соддалаштирилган ҳолатда тадбиркорлик субъектларига етказиб беришни назарда тутати<sup>7</sup>. Хорижий тадқиқотлар асосан тафтиш тадбиркорлик субъекти фаолиятига қандай таъсир қилиши ва унинг натижасида етказиладиган зарарни ҳисоблашга қаратилган<sup>8</sup>. Жумладан, кўпгина назорат қилувчи идораларнинг вазифаси этиб, қонун бузилиши ҳолатларини аниқлаш белгиланганлиги натижасида текширувчилар биринчи навбатда ушбу ҳолатларни аниқлашга ҳаракат қилиши бу эса текширув натижасига таъсир қилиши ўрганилган.

Шунингдек тафтиш учун маълумотларни тўплаш ва тафтиш хулосасини шакллантириш функциясини айнан бир ходимга юкланиши тафтиш хулосасининг бир ёқлама бўлишига сабаб бўлиши мумкинлигини ҳисобга олиб мазкур функцияларни алоҳида шахсларга юклаш мақсадга мувофиқлиги қайд қилинган. Жумладан, тафтишнинг тайёргарлик(хужжатлар тайёрлаш), тафтиш жараёни (ходимларнинг ўз хизмат вазифаларини бажармасдан тафтиш жараёнида қатнашуви), яқунловчи қисми (яъни эътирозларни тайёрлаш, давлат органларига бориш харажатларини ҳисоблаш низоли ҳолатларда экспертиза тайинлаш ва адвокат ёллаш, бой берилган фойда) каби босқичларида тадбиркорлик субъектларига етказилган зарар мавжудлиги муаммосига эътибор

<sup>7</sup> Danish Government (2009), Debureaucratization Plan for Business Regulation, Copenhagen, [www.dcca.dk/graphics/publikationer/Administrative%20lattelsetser/Afbureaukratiseringsplan%20\(Eng\).pdf](http://www.dcca.dk/graphics/publikationer/Administrative%20lattelsetser/Afbureaukratiseringsplan%20(Eng).pdf)

<sup>8</sup> “Inspection reforms: Why, how, and with what results” By Florentin Blanc

қаратилганлиги аҳамиятга молик, бўлиб мазкур масалани мамлакатимизда мониторинг қилиш орқали тафтиш жараёнида тадбиркорлик субъекти томонидан қанча миқдорда ҳаражат қилиниши ва республика миқёсида ўтказиладиган текширувлар сони ва натижасидан келиб чиқиб, танқидий баҳо бериш мумкин. Буюк Британияда 1984 йилда қабул қилинган “Полиция ва жиноий одил судлов ҳақида” ва 2003 йилда қабул қилинган “Жиноят ишлари бўйича терговда далиллар ҳақида” қонунда далил сифатида фойдаланиш мумкин бўлган ҳужжатлар ва бизнес ҳужжатлари далилларнинг алоҳида манбаи сифатида қайд қилинган. Жумладан, савдо, бизнес ёки бошқа касб фаолияти жараёнида, ҳолат юзасидан махсус билимларга эга бўлган шахс томонидан тузилган бизнес ҳужжатларида кўрсатилган ҳолат далил сифатида қабул қилиниши мумкинлиги қайд қилинган. Қонун чиқарувчининг мақсадидан фарқли равишда ҳуқуқни қўлловчи идоралар томонидан ўз ваколатларини мумкин қадар кенгроқ талқин қилиш, ўз ваколатлари муҳим деб ҳисоблаш, таъсир қилиш ва қўшимча ресурслар талаб қилиш имкониятларини ошириш тенденцияси кучайиб боради<sup>9</sup>. Италияда солиққа оид масалалар юзасидан бизнес, ҳам Солиқ инспекцияси ҳам Солиқ Полицияси (Gardia di Finanza) томонидан текширилади. Ушбу хусусияти бўйича текширувлар бир-бирини такрорласада, Солиқ полицияси жиноий фаолият олиб бораётганлиги гумон қилинаётган корхоналарни текширади<sup>10</sup>. Халқаро стандартлар бўйича айнан бир хўжалик юритувчи субъектни турли даражадаги назорат қилувчи идоралар томонидан текширилиши мақсадга мувофиқ эмас. Бироқ мазкур амалиётнинг баъзи элементлари республикамизда сақланиб қолган. Шунингдек, хўжалик юритувчи субъектларни текширишнинг белгиланган тартибини четлаб ўтиш мақсадида, айбловнинг сунъий далилларини яратиш, “ғирром рақобат”, “рейдерлик” ва бошқа ғараз мақсадларни кўзлаб, хўжалик юритувчи субъектларни жиноий фаолият юритишда айблаш ва текшириш бизнесга энг катта таҳдидлардан бири сифатида қаралади. Шунингдек, эътиборли жиҳати шундаки, хорижий давлатларда айниқса АҚШда хўжалик юритувчи субъектнинг қонуний ёки ноқонуний фаолият юритаётганлигини диагностика қилишнинг турли-туман самарали воситалари ишлаб чиқилган бўлиб, бу эса очиқ маълумотлар орқали субъект ҳақида етарли маълумотлар тўплаш ва тафтиш ўтказмасдан ишни қонуний

<sup>9</sup> “Inspection reforms: Why, how, and with what results” By Florentin Blanc p.23

<sup>10</sup> “Inspection reforms: Why, how, and with what results” By Florentin Blanc p.23

ҳал қилиш имконини беради. Масалан АҚШ Федерал қидирув бюроси томонидан 1998 йил июн ойида чоп этилган №62 сонли “Молиявий тергов бўйича қўлланма”да молиявий жиноятларни исботлашнинг тафтишдан ташқари жуда кўп усуллари қайд этилган<sup>11</sup>. Мамлакатимизда тафтиш ўтказмасдан, тадбиркорлик субъектининг қонуний ёки ноқонуний фаолият кўрсатаётганлигини аниқлашга қаратилган иқтисодий диагностика, криминалистик тактика соҳасида жиддий тадқиқотлар ўтказилмаётганлигини жиддий муаммолардан биридир. Сабаби кўпгина терговчилар тафтишни иқтисодий жиноятлар бўйича далиллар тўплашнинг асосий ва самарали воситаси деб билади. Тафтиш натижасида тадбиркорлик субъектига қандай зарар етказилишини тасаввур ҳам қилмайди. Иқтисодий жиноятлар бўйича тафтиш ўтказмасдан исботлашнинг бошқа воситалари шу жумладан маълумотларни талаб қилиб олиш, мутахассис хулосасини олиш каби процессуал воситалари доирасини кенгайтириш зарур. Сабаби кўпгина ҳолатларда терговчи томонидан тайинланган тафтиш жараёнида жиноят иши предметига тааллуқли масалалар қисман кўрилиб, жиноят ишига алоқадор бўлмаган масалалар текширилиши амалиётдан маълум. Қонунчилигимизда қисман тафтиш кўзда тутилмаган. МДХга аъзо кўпгина давлатларнинг Жиноят Кодексида ҳам тафтишнинг далиллар тўплаш воситаси эканлиги қайд қилинган. Жумладан, Россия Федерацияси ЖКнинг 144-моддасида жиноят ҳақида хабарни текширишда суриштирувчи, терговчи, тергов органи раҳбари ҳужжатли текширув, тафтиш тайинланишини талаб қилиш ҳуқуқига эгаллиги, шунингдек, ҳужжатли текширув, тафтиш тайинлаш зарурати туғилганда, жиноят ҳақида хабарни кўриб чиқиш муддати 30 суткага қадар узайтирилиши мумкинлиги белгиланган<sup>12</sup>. Қозоғистон Республикаси ЖПК 125-моддаси 2-хатбошисида ваколатли орган ва мансабдор шахслар тафтиш ва текширув ўтказишни талаб қилиш орқали далиллар тўплаш мумкинлиги белгиланган<sup>13</sup>. Шу билан бирга, Қозоғистон Республикаси ЖПК 123-моддасида терговга қадар текширув давомида ўтказилган инвентаризация ва тафтиш далолатномаси ҳужжат ҳисобланиши ва Кодексда белгиланган тартибда тақдим қилинган ёки талаб қилиб олинган тақдирда далил сифатида фойдаланиш мумкинлиги қайд қилинган<sup>14</sup>. Қирғиз Республикаси ЖПК 91 моддасида тафтиш ўтказиш йўли билан далиллар тўпланиши мумкинлиги, 36-моддасида

<sup>11</sup> Financial Investigations Guide. June 1998

<sup>12</sup> upkodeksrf.ru

<sup>13</sup> online.zakon.kz/document/?doc\_id=31575852

<sup>14</sup> online.zakon.kz/document/?doc\_id=31575852

терговчининг тафтиш, инвентаризация ўтказишни талаб қилиш ҳуқуқи қайд қилинган<sup>15</sup>. Молдова ЖПК 57-моддасида жиноий таъқибни амалга оширувчи офицер, хужжатли тафтиш, инвентаризация, идоравий экспертиза ўтказиш ҳақида кўрсатма бериш ҳуқуқига эга эканлиги белгиланган<sup>16</sup>. Озарбайжон Республикаси ЖПКнинг 85 моддасида терговчи давлат органлари ва аудиторлик ташкилотларидан тафтиш, инвентаризация, экспертиза ва бошқа текширувларни ўтказишни талаб қилишга ҳақли эканлиги белгиланган<sup>17</sup>.

Озарбайжон Республикаси ЖПКнинг 207.3-моддасида содир этилган ёки тайёрланаётган жиноят ҳақида хабарни кўриб чиқишда, суриштирувчи, терговчи ёки дастлабки терговга процессуал раҳбарликни амалга ошираётган прокурор бирор бир юридик шахс фаолиятини текшириши мумкин эмас. Агар шундай текширув зарурати туғилса суриштирувчи, терговчи ёки дастлабки терговга процессуал раҳбарликни амалга ошираётган прокурор қуйидаги ҳаракатни амалга оширади: Тегишли давлат органи ёки аудиторлик ташкилоти томонидан юридик шахс фаолиятини текширишга мутахассис ажратишни таъминлаш учун қарор чиқаради; Тегишли давлат органи ёки аудиторлик ташкилоти мутахассис томонидан ўтказилган текширув материаллари бўйича жиноят иши қўзғатиш ёки қўзғатишни рад этиш ҳақида қарор қабул қилади<sup>18</sup>. Беларусь Республикаси ЖПК 103-моддасида жиноий таъқибни амалга оширувчи орган ёки суд томонларнинг илтимосномаси ёки ўз ваколатлари доирасида тегишли орган ва мансабдор шахслардан тафтиш ва бошқа текширувлар ўтказишни талаб қилиш ҳуқуқига эгаллиги белгиланган<sup>19</sup>. Арманистон Республикаси ЖПК 55-моддасида терговчи тафтиш, инвентаризация ва бошқа текширувлар ўтказилишини талаб қилиш ҳуқуқига эга эканлиги кўрсатилган<sup>20</sup>. Тожикистон Республикаси ЖПК 86-моддасида суриштирувчи, терговчи, прокурор, судья, ваколатли орган ва мансабдор шахслардан тафтиш ва текширувлар ўтказишни талаб қилиш ҳуқуқига эгаллиги белгиланган<sup>21</sup>.

### **Foydalanilgan adabiyotlar:**

<sup>15</sup> [cbd.minjust.gov.kg/act/view/ru-ru/9?cl=ru-ru](http://cbd.minjust.gov.kg/act/view/ru-ru/9?cl=ru-ru)

<sup>16</sup> [lex.justice.md/index.php?action=view&view=doc&lang=2&id=326970](http://lex.justice.md/index.php?action=view&view=doc&lang=2&id=326970)

<sup>17</sup> [www.legislationline.org/ru/documents/section/criminal-codes](http://www.legislationline.org/ru/documents/section/criminal-codes)

<sup>18</sup> [www.legislationline.org/ru/documents/section/criminal-codes](http://www.legislationline.org/ru/documents/section/criminal-codes)

<sup>19</sup> [kodeksy.by/ugolovno-processualnyy-kodeks](http://kodeksy.by/ugolovno-processualnyy-kodeks)

<sup>20</sup> [www.parliament.am/legislation.php?sel=show&ID=1450&lang=rus](http://www.parliament.am/legislation.php?sel=show&ID=1450&lang=rus)

<sup>21</sup> [abg.la/upload/iblock/bbc/ugolovno-procesualnii\\_kodeks\\_rt.doc](http://abg.la/upload/iblock/bbc/ugolovno-procesualnii_kodeks_rt.doc)

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2017. – 76 б.
2. Каримов И. А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т. 10. – Т., 2002. – 432 б.
3. Каримов И.А. Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир. – Т., «Ўзбекистон», 2015. – 302 б.
4. Каримов И.А. Озодлик хавосидан тўйиб нафас олган халқ ўз йўлидан ҳеч қачон қайтмайди. – Т., «Ўзбекистон», 2016. – 28 б.
5. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик - ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. – Т., «Ўзбекистон», 2017. – 104 б.
6. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Т., «Ўзбекистон», 2017. – 488 б.
7. Конституция – эркин ва фаровон ҳаётимиз, мамлакатимизни янада тараққий эттиришнинг мустаҳкам пойдеворидир // Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 25 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси
8. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. // <http://www.uza.uz/oz/documents/Ozbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-oliy-22-12-2017>
9. Қуролли Кучларимиз – мамлакатимиз барқарорлиги ва тараққиётининг мустаҳкам кафолатидир // Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Хавфсизлик кенгашининг кенгайтирилган таркибдаги мажлисдаги нутқи
10. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси // (2017 йил 1 майгача бўлган ўзгартиш ва қўшимчалар билан) –Т., 2017. –528 б.
11. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси (2017 йил 1 майгача бўлган ўзгартиш ва қўшимчалар билан) –Т., 2017. –776 б.
12. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси // (2017 йил 1 майгача бўлган ўзгартиш ва қўшимчалар билан) – Т., 2017. –520 б.
13. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 52 (I)-сон; 2008 й., 52-сон, 512-модда; 2009 й., 37-сон, 403-модда, 404-модда, 52-сон, 555-модда, 556-модда; 2010 й., 20-сон, 149-модда, 35-36-сон, 300-модда, 37-сон, 313-

модда, 314-модда, 315-модда, 40-41-сон, 343-модда, 51-сон, 485-модда; 2011 й., 1-2-сон, 1-модда

13.Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодекси // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси - <http://lex.uz>.

14.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2017. -№6. 70-модда

15.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 апрелдаги “Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5005-сон Фармони.